

Парвозларни хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ФАРМОЙИШИ



РАСПОРЯЖЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

13 " март 2017 й. г. № 252-Ф

Тошкент ш. – г. Ташкент

Моддий маданий мерос объектларини илмий ва илмий-техник тадқиқ этиш ва уларни ҳужжатлаштиришда энг замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик, Фанлар академияси, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссиясининг таклифига мувофиқ Япония ҳукумати молиявий кўмаги асосида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти – ЮНЕСКО томонидан моддий маданий мерос объектларини илмий тадқиқ этиш мақсадида фойдаланиш учун бегараз тақдим этилаётган 2 та жамланмада учувчисиз учиш мосламаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истисно тариқасида олиб кирилишига рухсат берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазириликнинг Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси томонидан олиб кириладиган ва фойдаланиладиган 2 та жамланмадаги учувчисиз учиш мосламаси (ТИФ ТН коди 8802 20 000 0) божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғими бундан мустасно) озод этилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик Мудофаа вазирилик, Ички ишлар вазирилик, Миллий хавфсизлик хизмати, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси ҳамда Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси билан келишган ҳолда учувчисиз учиш мосламасидан фойдаланиш мумкин бўлган аниқ ҳудуд ва объектларни белгиласин ҳамда шунга мувофиқ учувчисиз учиш мосламасидан самарали фойдаланишни таъминлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазириликнинг ҳаво кемалари (учувчисиз учиш мосламалари) фуқаролик авиациясига тегишли деб ҳисоблансин.

5. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Бош вазири

